

КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, замонавий тиббий хизматни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятида ҳам жорий йилда йигирмата соғлиқни сақлаш муассасаси биноларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базаларини мустақамлаш ишлари олиб боришмоқда.

Яқинда вилоят акушерлик мажмуаси ҳомийлар маблағи ҳисобидан қисқа фурсат ичида капитал таъмирланди. «Янги аср» қурилиш корхонаси бунёдкорларнинг шижоати, савий-ҳаракати билан мажмуа биноси янги ва кўркам қиёфа касб этди. Унинг яроқсиз ахволга келиб қолган иситиш тизими бутунлай янгиланди. Айни пайтда ушбу тиббий муассасани замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом этаётир.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 2 май, сешанба № 76 (2125)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Покистон Ислам Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2006 йил 2-3 май кунлари расмий ташриф билан Покистон Ислам Республикасида бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Покистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустақамлашга доир масалаларни муҳокама этадилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара яқунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2006 йил 8 май душанба иш кунини 2006 йил 6 май шанба кунига қўчириш тўғрисида

Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2006 йил 8 май душанба иш кунини 2006 йил 6 май шанба кунига қўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 1 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мустақиллик йилларида қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар Ўзбекистон футбол жамоаларига халқаро майдонда сезиларли ютуқларга эришиш имконини берди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, «Пахтакор» (Тошкент), «Нефтчи» (Фарғона), «Насаф» (Қарши)

клублари шулар жумласидандир. Болалар спортини ривожлантириш жағрамаси маблағлари ҳисобига Спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурининг амалга оширилиши тўғрисида республикада ҳар йили замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стадионлар сонини кўпайтиришга эришилган. Энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори маъналик футболчилар тарбиялаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизими тобора такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда миллий чемпионат нуфузини ва мақомини ошириш, юқори классли футболчиларни ва спорт захирасини тайёрлашни ташкил этиш ва таъминот ишлари суяйди, Ўзбекистон футбол жамоаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз ҳомийлари ва донорларининг фаоллиги пасайди.

(Давоми 2-бетда)

«Умид ниҳоллари-2006»

Республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари - 2006» мусобақалари бошланишига санокли кунлар қолди. Узининг 2700 йиллик тўйини ўтказиш арафасида турган Қарши шаҳри бу галги мусобақаларга мезбонлик қилмоқда. Ёшларнинг спорт кўнги-га пухта тайёргарлик қўрилади. Ўқувчилар дам олади-ган Қарши Давлат университети ва Қарши муҳандислик иқтисодий институтининг талабалар уйлари жаҳон андозаларига мос қилиб жиҳозланганлиги мусобақа иштирокчилари қайфиятини кўтарди, албатта.



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Шодмон Кубаевнинг таъкидлашича, «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларида иштирок этаётган

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларига тайёргарлик қилишда фаол иштирок этаётган

УМИДЛИ ЁШЛАРГА КАСАБА УЮШМА ЁРДАМИ



ди. Қарши шаҳридаги 6, 11, 24-мактаб кутубхоналарининг ҳар бирига 100 минг сўмлик китоблар олиб берилганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Мусобақаларни ҳар томонлама кўтаринкилик билан ўтказиш мақсадида сўнгги тайёргарлик ишлари амалга ошириляпти. Ёшлар бу ерга келиб, жаҳон андозаларига мос равишда қад ростлаган стадионда ўзларини бахтиёр ҳис қилаёттилар.

Матбуот маркази тўлиқ компьютерлаштирилган бўлиб, мусобақа жараёни бўйида ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларидан ташқари немис ва француз тилларида таржима қилиниб, интернет орқали дунё мамлакатларига чиқиш имкониятига эга.

Иззат ХИКМАТОВ, Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» махсус муҳбирлари

ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 2 миллион 770 минг, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан 1 миллион, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 500 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

Уқитувчиларнинг савий-ҳаракати билан мактабимиздаги бир неча ўқувчи алақачон турли спорт турлари бўйича олтин медалларга сазовор бўлишган, - дейди Қарши шаҳридаги 19-умий ўрта таълим мактабнинг олий тоифали жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Навруз Рўзиов. — Асқар Жуманов, Шаҳбоз Тўхтаев, Шаҳзод Мухаммадиев, Суҳроб Бўронов сингари ўқувчилар олтин медал соҳиб бўлишди. Улар «Умид ниҳоллари-2006» мусобақаларида иштирок этиб, жамоадорларини хурсанд қилсалар ажаб эмас.

Суратларда: Олимпия захиралари спорт коллежи; «Умид ниҳоллари-2006» мусобақалари иштирокчилари; жаҳон андозаларига мос тайёрланган ўйингоҳ.

Покистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги алоқалар узок ўтмишга бориб тақалади. Халқларимизни нафақат тарихий дўстлик, балки ягона дин, ўхшаш маданий қадриятлар, бир-бирига ҳамоҳанг аъёна ва одатлар ҳам яқинлаштириб туради. Покистонликлар Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари буюк аждодларимиз меросини яхши биледи ва эъзозлайди.

Тарихан шакланган яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин янги асосда ривожлана бошлади. Покистон биринчилар қаторида Ўзбекистон мустақиллигини тан олган, юртимизда элчиона очган ва мамлакатимизга ҳаво катновини йўлга қўйган мамлакатлар сирасига кирди. Узаро ҳамкорликдан манфаатдорлик икки мамлакатнинг ўз минтақасида муҳим ўрин тутуши, қулай жўрофий муҳитда жойлашгани, савдо-иқтисодий алоқалар учун улкан салоҳиятга эгалигига асосланади.

Мамлакатларимиз ҳозирги кунда минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, томонларнинг доимий диққат-эътиборида турган Трансафғон йўлагининг қайта тушиши бизга Қарши бандагроҳига чиқиш имконини беради, Покистон учун Марказий Осиё давлатлари сари қулай ва арзон савдо йўли очилади.

Узаро муносабатларни ривожлантиришда икки давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари муҳим ўрин тутмоқда. Сўнгги вақтда олий даражадаги музокаралар давомли тус олаётгани Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш йўлидан бораётганининг белгисидир.

Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойидаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида қўллаб соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланган эди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Поки-

Расмий ташриф арафасида

вожлантиришга оид 26 ҳужжатга асосланади. Алоқалар фақат савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан чекланиб қолмайди. Масалан, кадрлар тайёрлаш борасида Покистон ўзбекистонликлар учун банк, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги, бухгалтерия, солиқ, почта,

тиришнинг янги йўларини очиб беради, қатор янги режалар ишлаб чиқиш учун имкониятлар яратди, деб умид қиламиз.

Террорчиликка қарши кураш ҳам долзарб масалалардан. Бу борада ўтган йили Покистон Президент-

САЖЖАД КОМРОН: ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШДАН МАНФААТДОРМИЗ

сабатларимизни янада мустақамлаб, янги мазмун билан бойлатади.

Бу хусусда Покистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сажжад КОМРОН ўза муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Покистон билан янги асосда дўстона алоқалар ўрнатди, дейди элчи. — Ўтган давр мобайнида амалга оширилган олий даражадаги узаро ташрифлар турли соҳаларда фаол ҳамкорликни мустақамлади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг дастлабки хоризий сафарларидан бири 1992 йилда Покистон бўлган эди. 2005 йилда Покистон Президенти Парвез Мушарраф бошчилигидаги делегация Ўзбекистонда бўлди.

Жорий йил май ойида Ислам Каримовнинг Покистонга ташрифи бўйичаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан кутмоқдамиз.

Ун тўрт йил тарих учун қисқа давр. Аммо ўтган мана шу вақт мобайнида мамлакатларимиз жуда кўп соҳаларда кенг ҳамкорликни йўлга қўйди. Покистон Ўзбекистон билан биринчилар қаторида дипломатик алоқа ўрнатган давлатлардан.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик узаро муносабатларни ри-

вожлантиришга асосланади. Алоқалар фақат савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан чекланиб қолмайди. Масалан, кадрлар тайёрлаш борасида Покистон ўзбекистонликлар учун банк, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги, бухгалтерия, солиқ, почта, тиришнинг янги йўларини очиб беради, қатор янги режалар ишлаб чиқиш учун имкониятлар яратди, деб умид қиламиз.

Террорчиликка қарши кураш ҳам долзарб масалалардан. Бу борада ўтган йили Покистон Президент-

вожлантиришга асосланади. Алоқалар фақат савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан чекланиб қолмайди. Масалан, кадрлар тайёрлаш борасида Покистон ўзбекистонликлар учун банк, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги, бухгалтерия, солиқ, почта, тиришнинг янги йўларини очиб беради, қатор янги режалар ишлаб чиқиш учун имкониятлар яратди, деб умид қиламиз.

Утган йили имзоланган 2005-2009 йилларга мўлжалланган маданий алоқалар дастури маданий алоқаларни ривожлантириш учун муҳим ҳуқуқий асосдир. Халқларимизнинг қадриятлари ва аънавлари бир-бирига яқин. Шу нуқта назардан сийҳлик соҳасида катта имкониятлар бор. Таълим, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, банк, нефть-газ каби соҳаларда янада кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин.

Умуман, мамлакатларимиз узаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Покистонга ташрифи чоғида фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш масалалари атрафлича кўриб чиқилади. Шу боис амалга ошажак ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига шубҳа йўқ.

Ўза муҳбири Орифжон ТУРОПОВ Ёзиб олди.

Мехнатқашларнинг тўб манфаатларини муҳофаза-лашнинг самарали шаклига суяниб фаолият юртиш давр талабидир. Вазифалар ечимида тадрижийлик, босқичма-босқич ва изчиллик алоҳида ўрин тутайди. Ҳўш, шундай шароитда касаба уюшма етакчиси ишда, тафаккурда қандай иқобий ўзгаришлар юз бериши? Қуйи таъкилотларнинг етакчилари бугун нима ҳақида ўйламоқда? Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги минтақавий семинар ушбу мулоқозлар борасида ошқорачи мулоқот тусини олди.

Минтақавий семинарни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова бошқариб борди.

Маълумки, касаба уюшмалари ўз истиқболини аниқ ва самарали ҳаракатда деб билади. Жамоат ташкилоти ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб тузилмавий ислохотларга қўл ургани, турдош касаба уюшмалари фаолиятининг мувофиқлашуви меҳнатқашлар муҳофазасидаги ҳаракат изчиллигини таъминламоқда. Оташин қачирғу широбозликдан қочиб, жамиятга наф келтиришни оммабоп, содда-лўнда, айни чоғда манфаатли усуллари танланди. Бугун мамлакатимиз фуқаролари умумий-миллий, тармоқ, ҳудудий ҳамда маҳаллий даражадаги ижтимоий мулоқот ва шерикчилик тамойиллари асосида ҳимояга олинган.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК БЎЛСА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойи жамоат ташкилотини зиммасига бундан ҳам залворли вазифалар юклаган. Галдаги вазифалардан бири тармоқ келишулардан тароф келишуларга ўтиш, ҳудудий келишулар ўрнини минтақавий келишуларга бўшатиш даркор. Бу жараёни мушоҳадали, билимдон, ижодий фикрловчи кадрлар ҳал этади. Ҳўш, бугун касаба уюшма юқини зиммасига олган етакчиларда ана шундай са-

Минтақавий ўқув-семинар

амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, мазмун ва моҳият жиҳатидан бойитилган ҳаракат йўналишини илғаш, унга ҳамоҳанг қадам ташлаш лозим. Бугун кенгаши кўн ўй-хаёвлари, мудроқ фикрлар билан яшаб бўлмайди. Давр ўзгарди. Одамлар онг-тафаккурда юксалиш тобора ёрқинроқ

қилинган. Касаба уюшмасининг обрўси, маънаи ашунада фидойилар савий-ҳаракати боис кўн-бақон ортиб бораётган. Аммо ютуқлар ўзимизники. Жонқуярлар қаторида ҳайбаракатчилар, ундабуронлар сафида ўқувчиларнинг учраши оёқда тушов бўлиши мумкин. Бугун беғараз тақлиф ва мулоқозларга чанқоқлик, янгиликни излаб топишга ўчлик ҳисси ҳукмрон бўлмоғи лозим. Мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий тизимида юз бераётган тўб ислохотларни амалга оширишга қўмақлашиш, жамиятда шаклланаётган янги ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, меҳнатқашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ана шу жараёнда да касаба уюшмасининг ўз ўрни бор. Негаки, жамоат ташкилотлари орасида энг нуфузли бўлган касаба уюшмалари меҳнат муносабатлари тизимида ҳаракат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ЙЎЛИДА

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини оширишда, долзарб сиёсий-ҳуқуқий муаммоларни атрафлича муҳокама қилишда ҳуқуқий даврий нашрларнинг аҳамияти катта. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали шундай нашрлардан бири. Илмининг ҳар чоғида Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган мазкур нашр нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз ўқувчиларига эга.

Оммавийликдан маҳорат сари

Нукус шаҳар болалар спорт саройида ўтайган муайтай бўйича Қорақалпоғистон биринчилигига 300 дан зиёд ёш спортчи иштирок этмоқда.

МУАЙТАЙЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни, хусусан болалар спортини ривожлантириш, оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга ошириляётган ишлар, спортчиларимиз эришяётган ютуқлар, бунёд этиляётган янгидан-янги спорт иншоотлари ва уларда яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапирди.

Уч кун давом этадиган мазкур мусобақа бўлажак Ўзбекистон чемпионати олдидан тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Боши 1-бетда)

«Дустлик» (Тошкент вилояти) ва МХСК (Тошкент) футбол клублари фаолиятини тўхтатиш...

Мазкур камчиликлар ҳозирги вақтда етарли моддий-техника базасига...

Футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш...

3. Белгилансинки, профессионал футбол клубини ташкил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, спорт ташкилотлари...

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги...

5. Куйидагилар белгилансин: Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш...

6. Ўзбекистон Футбол федерацияси ва ҳакамлар республика мактабининг ташкил этилиши ва у куйидагиларни таъминлаш...

ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама қўмаклашиш...

7. Профессионал футбол клублари ҳамда Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлиналари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб...

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари...

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлари билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида...

методик ва ресурс салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилади.

6. Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги...

7. Профессионал футбол клублари ҳамда Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлиналари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб...

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари...

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлари билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида...

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2006 йил 1 май

БУХОРО НЕЪМАТЛАРИ

Бухоролик миришкорлар мамлакатимиз пойтахти - Тошкент шаҳрининг «Қорақамиш» дехқон бозорид...

Утган вақт мобайнида бир юз саксон тоннага яқин чорвачилик ва дехқончилик маҳсулотлари бозор нархидан анча арзон баҳода истеъмолчиларга етказиб берилди.

Айни вақтда Когон ва Қоровулбозор тумани дехқонлари ярмаркага яна ўн саккиз тонна гўшт, ун ва полиз маҳсулотлари жўнатди.

Пойтахтликларни мамнун этаётган ушбу ярмарка ёз ойлари давомида мунтазам фаолият кўрсатади.

ДЕХҚОНЛАР УЧУН СЕЯЛКАЛАР

Пойтахтимиздаги кишлоқ хўжалиги машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Агрегат заводи» оцик акционерлик жамияти йил бошида янги турдаги универсал сеялкарлар тайёрлаб...

Тошкент, Жиззах, Фарғона вилоятлари дехқонлари ушбу янги сеялкарларни тажрибадан ўтказиб, уларнинг қулайлиги ва энг муҳими, тежамкорлигини аниқлашди.

Бугунги кунда завод жамоаси фермер хўжаликлари учун янги турдаги ер ҳайдаш плугларини тайёрламоқда.

(ЎзА)



Анджон вилоятининг Булоқбози туманида йилгига минг тоннага яқин мева ва сабзовотларни қайта ишлайдиган янги корхона ишга туширилди.

(Боши 1-бетда)

Сирдарё аграр соҳа касабаси уюшмаси ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш тарафидан...

Сирдарё аграр соҳа касабаси уюшмаси ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш тарафидан...

Жиззахда ҳам ана шундай кўплаб хайрли ишларни тилга олиш мумкин. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, минтақанинг барча ҳудудларида ахвол бирдек эмас.

«Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси»га бирлашган касабаси уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шариоитидаги Ҳаракат дастури» ҳамда амалдаги Низомга ихтисодий...



Бахмал матоси жуда қадимдан Марказий Осиё халқларининг севилими ва қимбатбахо мато турларидан бири ҳисобланади.




Самарқанд шаҳридаги «Бахмал» Ўзбекистон-Қозғоғистон қўшма корхонаси иш бошлаганига беш йил бўлди.

сиёсий тараққиёт воқеликларидан келиб чиққан ҳолда ўзгаришлар килритилганига ҳам анча бўлди.

Ташаббус билдирадиган ҳолатлар бор. Хукуқий билимлар тарғиботида оқсаш, меҳнат жамоаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан тасирчан назорат ўрнатишда сусткашлик мавжуд.

Меҳнат муҳофазасини таъминлашда жамоат ташкилоти ташаббуси қўлга олимоғи даркор. Бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас.

Дарвоқе, бугун бошлангич ташкилот қандай бўлиши керак? Ўз фаолиятини жамоа келишувлари ва шартномалари асосида ташкил этиш керак.



«Туркистон-пресс»

Минтақавий ўқув-семинар

заифлиги, ҳуқуқий билимлари етишмаслигини билдиради. Ақс ҳолда жамоатчи вакил қатъий қўрсатиб, иш берувчи олдида қонуний талабларни қўнда...

Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига қўмакла-

да. Нодавлат секторлари билан алоқада сусткашлик қилинаётгани ҳам эътиборга этилди.

Минтақавий семинарда қуйи ташкилотлар дуч келётган айрим муаммоларга ҳамкорликда ечим топилади.

— Ўқув-семинар ўта самарали, айни чоғда ишчанлик руҳида ўтди, - дейди Тадбиркорлар ва савдо ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоятидаги вакили Эргаш Бўриев.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК БЎЛСА



Ўқув-семинарда бошлангич ташкилот мавқеи, обрў-эътибори ва жамоа ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнат муҳофазасини таъминлашда жамоат ташкилоти ташаббуси қўлга олимоғи даркор. Бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас.

Меҳнат муҳофазасини таъминлашда жамоат ташкилоти ташаббуси қўлга олимоғи даркор. Бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас.

Истиқлол — менинг тақдиримда

Яхши яшашни истаган киши меҳнатдан эринмайди. Давлатимиз бунга имконият яратиб бераётгани нур устига нур. Бундай эркин, нурафшон қўларинг қадрига етишимиз керак.

Қарийб қирқ йил мактабда ишладим. Обрў орттирдим. Ҳукуматдан оладиган маошим рўзгор тебратишга етарди.

Домий етишмовчиликда яшагандан кўра ишнинг қийинчилигини бўйинга олган дуруст. Шуларни ўйлаб, 1999 йилда 60 гектар ер олдик.

Кўзи намаштиришдаги аял товланувчи ўн икки нусхадаги бахмал матоси бугунги кунда ниҳоятда харидордир.

Суратларда: давраловчи Гулчара Исаева; ишчи Раъно Раҳматова. Т.НОРКУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Мулкка ўзинг эга эканлигини билганидан кейин бутун борлигингни бағишлаб, меҳнат қиласан киши. Даромадинг ортади, элу қирга нафинг тегади.

Юртимизда эзгу ишлар эътиборсиз қолмайди, айниқса ҳалол бунёдкорлик меҳнати қадрланади.

«Ташаббус-2006» кўрик-танловидеда соҳибдор бўлдим. Мен учун бу тадбирда иштирок этишимнинг фойдаси тадбиркорликнинг янги қирраларини кашф этганим бўлди.

Туман ҳокимлиги кўлаб-қувватлади. Еримизни тўрт ярим баробар кенгайтирдик. Ҳозир 350 бош қўй-эчки, 32 бош қорамол, 5 та туя, 5 та от бор.

Ернинг 180 гектарига галла эканмиз. Лалми ерларда галла қосилдорлиги 20 центнердан ошапти. Утган йили соф фойда 3 миллион сўмга етди.

Ези жазирама, киши изғиринли дашта қўй-қўзи боқилишини ўзи бўлмайди. Бу ишнинг мақсадқатини «ўлганга чидасанг қўй қил» деган гапни эшитганлар билади.

«Туркистон-пресс»

«Туркистон-пресс»

«Туркистон-пресс»

«Туркистон-пресс»

«Туркистон-пресс»

Эргаш ҚАРШИЕВ, Нуробод туманидаги «Қўшқудук» фермер хўжалиги раиси

Эргаш ҚАРШИЕВ, Нуробод туманидаги «Қўшқудук» фермер хўжалиги раиси

Эргаш ҚАРШИЕВ, Нуробод туманидаги «Қўшқудук» фермер хўжалиги раиси

Эргаш ҚАРШИЕВ, Нуробод туманидаги «Қўшқудук» фермер хўжалиги раиси

Эргаш ҚАРШИЕВ, Нуробод туманидаги «Қўшқудук» фермер хўжалиги раиси

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури—амалда

«Тавлим тўғрисида» ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида ўрта махсус касб-хунар таълими йил сайин такомиллашмоқда. Ва бу-гунга келиб узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғинларидан бирига айлиб улгурди. Хозирда ви-лоятлардаги ушбу даргоҳларда доимий янгилашни жараёнида, янги инновацион технологияларни жорий этиш ишлари жадал суръатларда олиб борил-моқда. Тизимдаги ислохотлар самарасини Хоразм вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Вилоятда 60 та касб-хунар коллежлари ва 3 та академик лицей мавжуд бўлиб, уларда ҳукумати-мизнинг тегишли қарор-

таълими бошқармаси бошлиги Шермат Аев-зов. — Шу боис таълим муассасаларининг ўқув-ишлаб чиқариш хонала-рини замон талаблари даражасида жиҳозлаш, кутубхона фондини бойитиш ҳамда янги ин-формацион технология-ларни кенг жорий этиш-га алоҳида эътибор қара-тапмиз. Жумладан, ўқув юртида 54 номдаги электрон дарсликлардан фойдаланилмоқда. Таъ-лим даргоҳларида 2 та-

Ўқувчилар салоҳияти ёрқин келажак кафолати

лари асосида зарурий қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширил-моқда. Хусусан, 49 та ўқув юрти янги қурилиш ва таъмирлаш ҳисобига ташкил қилинди. Мавжуд муассасаларнинг умумий таълим қуввати 39 минг нафарга ва ўқувчилар ту-рар-жойлари 4 минг на-фарга яқин ёшларни қа-бул қилиш имконияти-га эга. Академик лицей ва касб-хунар коллежла-ри Республика ўрта мах-сус касб-хунар таълими Маркази, Осиё тараққиёт банки ҳамда Япония, Ко-рея, Польша ҳукуматлари лойиҳалари доирасида 1999-2005 йилларда ўқув-техника воситалари ва адабиётлар билан таъ-минланди.

Бошқарма тизимида ўқувчилар қабулини таъ-минлаш ва битирувчилар-ни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эъти-бор қаратилган. Ҳар ўқув йили якунланиши ара-фасида директор ва ўрин-босарлар мактабларда уч-рашувлар ўтказишади. Ўзлари раҳбарлик қила-ётган коллежнинг тутган ўрни, таълим сифати ҳу-сусида, битирувчиларни иш билан таъминлаш қай даражада ташкил этилган-ли ҳақида мактаб ўқувчи-ларига маълумот бериша-ди. Ўз ўрнида ёшлар ўзларни қизиқтирган са-волларга батафсил жавоб олишади. Бундан ташқа-ри, барча таълим муассас-саларида «Очик ашиқлар кўни» ўтказилиб турилади. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида касб-хунар коллежларида ўқиш ния-

кенгайишидан далолат-дир. Коллежларни педагог ва муҳандис-педагог кадр-лар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оши-риш ишлари изчил олиб борилмоқда. Натижада кадрлар салоҳияти яхши-ланяпти. Жумладан, ўқув муассасаларида кўп йил-лардан буён ишлаётган 100 нафардан ортиқ ўрта махсус маълумотли педагогларга олий таълим му-ассасаларида ўқиш учун тавсиялар берилди. Хозирда уларнинг кўпчи-лиги махсус сиртки бўлим талабалари.

Ходимларнинг чет эл-ларда малака оширишига ҳам жиддий эътибор қара-тилмоқда. Жумладан, 7 на-фар ходим Жанубий Коре-яда, 7 нафар ўқитувчи Гер-манияда, 15 нафари Авст-ралияда, 4 нафари Япо-нияда билим ва малакалар-ни ошириб келди. Ўтган йили 64 нафар ўқитувчи «Истеъдод» жамғармасида турли йўналишлардаги қайта тайёрлаш курслари-да ўз билим ва тажриба-ларини ҳамкасблари билан ўртоқлашишди. Таълим муассасаларининг умум-таълим ва махсус фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими устала-ри учун «Педагогик маҳорат» курслари ташкил этилгани устоз-мураббий-ларнинг салоҳияти юксалишига хизмат қилляпти.


— Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнини ислох қилиш амалга ошираётган ишларимизнинг бош йўналишидир,— дейди вилоят ўрта махсус касб-хунар

дан лингфон кабинетла-ри, кимё, физика, био-логия ва астрономия фанларига мос жиҳозлан-ган лаборатория хонала-ри мавжуд. Яратилган бундай имкониятлардан ёшларимиз тўла фойда-ланаётгани қувонarli ҳол. Ўқувчиларимизнинг фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, юқори натижалар-га эришаётганини меҳна-тимиз меъаси, деб била-ман.

Ҳа, меҳнат меъасини кўриш инсонга янги-янги ишларни амалга ошири-шида куч беради. Хоразмлик таълим фи-дойилари ҳам ёш авлод қамолидан куч олиб, уларга янада қулай шароитлар яратиш мақса-дида хорж билан ҳам-корликни йилдан-йилга ривожлантиряпти. Жану-бий Корея лойиҳаси бўйича 9 та таълим му-ассасасида ўқув лабора-тория жиҳозлари, 10 та ўқув юртида компьютер синфлари, лингфон ка-бинетлари жиҳозлангани фикримиз исботидир.

Япония ҳукумати лойи-ҳасига асосан Хива ва Ян-гиорқ қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежларига келтирилган ўқув жиҳоз-лари ёшларнинг қучур билим олишларида кўл келаяпти. Бундан ташқари, Япония халқаро агентли-ги (JICE) томонидан Ур-ганч тиббиёт коллежига фармация ва ҳамширалик иши бўйича жиҳозлар бе-ғараз ёрдам сифатида келтирилди.

Нодир ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири



Янгийўл туман Давлат санитария - эпидемиология бўлими 158 минг 533 нафар аҳолига хизмат кўрсатади ва ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария нazorати тўғрисидаги Конун ва ҳукумат қарорлари асосида олиб боради. Бу ерда 65 нафар ходимлар иш билан банд бўлиб, уларнинг кўпчилиги юқори тоифали мутахассислардир.

Ходимларнинг асосий вазифаси туман аҳолиси орасида юқумли, касб ва бошқа хасталикларнинг олдини олиш бўйича санитария-гигиеник, эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Шу боис аҳолини сифат-

ли ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган, дастурга оид керакли кўрсатмалар берилган, одамлар орасида тушунти-риш ишлари олиб борил-моқда. Булардан ташқари,

МЕҲНАТГА РАҒБАТ

озиқ-овқат маҳсулотлари-ни ишлаб чиқариш корхоналарида, савдо шохобча-ларида, умумий овқатла-ниш тармоқларида тайёр-ланаётган маҳсулотлар-нинг сифат ва даражаси назоратга олинган. Уму-ий овқатланиш тармоқла-рида ўтган йили 21 марта назорат-таҳлил ишлари олиб борилди. Мактабча тарбия муассасалари ва мактабларда ўқув-тарбия жараёнларида турли касалликларнинг олдини олиш учун етарли шароит-лар яратилиши устидан санитария назорати олиб борилмоқда. Ўтган йили бу масканларда 19 марта лаборатория таҳлили олиб борилди.

Утказилаётган профи-лактика ва санитария-соғломлаштириш ишлари натижасида туманда юқумли хасталиклар се-зиларли даражада қа-майди. Вирусли гепатит-нинг кескин қамайганли-ги, кейинги уч йил мо-байнида касб касаллиги-нинг қайд этилмаганли-гини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири
Суратларда: бакте-риолог врач Нияра Иброҳимова билан олий тоифали лаборант Кумри Ҳамдамова ла-бораторияда таҳлилий ишлари олиб бориш-моқда; бўлимининг янги қурилган биноси.



Утказилаётган профи-лактика ва санитария-соғломлаштириш ишлари натижасида туманда юқумли хасталиклар се-зиларли даражада қа-майди.

ШАРТНОМА АСОСИДА

Навоий шаҳрида-ги «Кизилқум саҳо-вати» консерва заво-ди кўнига 200 тонна ўрик ва 300 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга. Корхонада ўтган йили 120 тонна ўрик қайнатмаси ва 60 тонна томат пастаси ишлаб чиқарилиб, Россия ва Бирлаш-ган Араб Амирликла-рига экспорт қилин-ди.

— Жорий йилда маҳ-сулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чо-ралари кўрилмоқда, — дейди корхона дирек-тори Равшан Жумани-ёзов. — Биз камиди 20 минг тонна помидор ва бошқа мева-саба-зотларни қайта иш-лаб, хорижга уч минг тонна томат пастаси ва икки минг тонна ўрик қайнатмасини экспорт қилишни мўлжалламоқдамиз. Шу мақсадда кўшим-ча 700 гектар ер олиб, помидор қўчат-ларини ўтказдик. Айна вақтда деҳқон-фермерлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйдик. Улар шартнома асосида бизга маҳсулот отка-зи беради.

Президентимизнинг мева-сабзавотчи-лик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни қучур-лаштиришга қаратил-ган фармон ҳамда қарори мавжуд муам-моларни ҳал қилиш-да бизга дастурилла-мал бўлмоқда. Айна пайтда Наво-ий вилоятида 1752 нафар фермер мева-сабзавотчилик билан шуғулланаётир. Эл дастурхонани мева-сабзавот маҳсулотла-ри билан тўқин- со-чин қилиш мақсадида вилоятда қарий минг гектар ерда сабзавот етиштирилмоқда.



«Кизилқум саҳо-вати» консерва заво-ди кўнига 200 тонна ўрик ва 300 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга.

Қарор ва ижро

ХИЗМАТ СИФАТИ У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?


Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларига чорва молларини кўпайти-ришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғриси-даги қарори озаасидан жойларда кенг кўламли иш-лар амалга оширилмоқда.

Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида ҳам ушбу қарорга мувофиқ, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларига чорва мол-ларини боқиш билан шу-ғулланаётганларга етарли шар-тшароит яратиш бери-лаётир. Туман ветеринария бўлими ҳам бу борада аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

— Мазкур қарорнинг қабул қилиниши халқимизнинг қўнғлидаги иш бўлди, — дейди туман ветеринария бўлими бошлиги Маҳмуд-жон Тўшболатов. — Биз ҳам ушбу муҳим ҳужжатга асо-сан чорвадорларга яқиндан қўмақ беришни ўз олдимиз-га мақсад қилиб кўрганмиз. Айна пайтга қадрар тумани-мизда 12 та зооветерина-рия пункти ташкил этдик.

Тўхтабоев номидаги ма-халла фуқаролар йиғини-даги зооветеринария пун-кти хизматидан аҳоли мам-нун. Худуддаги тўрт минг-га яқин қорамол ветери-нар врачининг доимий на-зоратида. Туманда ташкил этилган тўртта қўшонада ҳам барча шар-тшароит яратилган.

Кам таъминланган, экти-жаманд оилаларга қарор асосида берилган юз бош қорамолга ҳам туман вете-ринария бўлими ходимлари бепул хизмат кўрсатмоқда.



«Тадбиркорлик субъектла-рини текширишни янада қис-қатириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Прези-дент Фармонининг ижроси-ни таъминлаш юзасидан Ҳамза туман Давлат Солик инспекцияси ходимлари ҳам қатор ибратли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Натижада текширувлар сони 60 фоизга қисқартрилди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Давлат мулк қўмитаси Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2006 йил 3 майдан қўйдаги улуш қўйи-лишини маълум қиламиз.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилиши-ни-да Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун қўйдаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.
Тўшент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 мавзеси, Маҳмад Уразаев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.
Телефонлар: 399 80 26, 136 15 28.
Факс: 136 26 26 www.rkmb.uz
Эслатма: РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб, нархлар эркин шаклланади.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг

Суратларда: Ҳамза туман ДСИ жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими ходимлари.

Бор бўл, оқибат!

Вилоятда ногиронларга ғамхўрлик ва ижтимоий ёрдамни яхшилаш борасида муайян ишлар қилин-моқда. Уруш ва меҳнат фахрийларини тиббий-иж-тимоий соғломлаштириш мақсадларига йўналтирил-ган ногиронларни реабилитация қилиш худудий мар-кази, қарилар пансионати, «Маржон суви», «Гага-рин» сикхатохлари ишлаб турибди. Жиззах шаҳри-да ўтган йили «Меҳр-мурувват шаҳарчаси» бунёд этилди.

ЯХШИЯМКИ ЯХШИЛАР БОР

Айни пайтда 4 минг на-фардан зиёд ногирон со-ғлиги ва қобилияти дара-жасида халқ ҳўжалиги-нинг турли соҳаларида иш-ламоқда. Улар учун кўп-лаб иш ўринлари яри-тиб берилган. «Мохир ўзбегим», «Жиззахэлект-ромеханик», «Хаёт лаҳза-лари», «Мадад пласта» шўба корхоналари иш-лаб турибди. Бу ерларда тайёрланаётган маҳсулот-лар сифатлиги боис ўз харидорларини топиб ул-гурди.

Хомийлар ва шифокор-лар йили муносабати бил-ан талай савобли ишлар амалга оширилди. Ўтган ойлар мобайнида кўчи-бо-риб, умргузаронлик қил-ди. У ерда ҳам спортсе-вар ёшларни тўплаб, уй-ининг айрим хоналарини жиҳозлаб, қўлбола мос-ламалар ясаб, машғулот-лар олиб борди. 60 на-фар бола спортнинг бар-ча турлари бўйича му-раббийдан сабоқ олди.

Матонатли инсон, спорт жонқури Ҳабибулла ака айни чоғда Мир-зачўл туманидаги «Илак йўли» қишлоғида яша-б, бу ерда ҳам спорт жон-қури сифатида элга та-нилиб улгурди. Ховлиси-да «Спорт маркази» таш-кил этди. Бу ерда кураш, оғир атлетика, шохмоти-шашка тўғрақларини очди. 40 нафар қишлоқ болалари бу ерга жалб этилди.

Унинг шоғирдлари тур-ли спорт мусобақалари голиблари. Султонбек вилоят биринчилигида кураш бўйича қумуш, Фа-рида турон кураши бўй-ича бронза медалларини олишга муваффақ бўли-лар.

— Ҳабибулла Саримсо-қовнинг матонатига қой-ил қолдим. Айрим тўрт мучаси соғ қишлар қилмоқдаётган ишларни худудда, — сўзбати давом этирди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман ва-кили Мирзабек Норбоев. — Спортга қизиқувчи ёш-ларни тўплаш, қўлбола спорт жиҳозлари тайёр-лаш ҳаммининг ҳам қўли-дан келавермайди. Ҳа, биринчи гуруҳ но-гирони Ҳабибулла Са-римсоқовнинг хайрли ишлари барчага ибратли-дир.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

